

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to PDF to Text Converter mark)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ

PDF ИМИ

2023 йил апрель ойининг 17 куни, Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди билан видеоконференцалоқа тизими орқали, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: [REDACTED]

[REDACTED] ва [REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], маҳкум [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] иштирокида, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 6 мартда маҳкум [REDACTED] га нисбатан чиқарган ажрими устидан [REDACTED] ўзи томонидан берилган хусусий апелляция шикоятини илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга апелляция тартибида кўриб чиқиб, кўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 6 мартдаги ажримига кўра:

1964 йил 4 июнь куни Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, маълумоти олий, уйланмаган, "Abu Invest Servis" МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаган, Тошкент шаҳар, [REDACTED]

ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосини енгилроқ турдаги жазога алмаштириш ҳақидаги илтимосномаси рад қилинган.

Суд ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2022 йил 6 апрелдаги ҳукмига кўра, [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 2-қисми "а" банди билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони манзил-колонияларда ўташ белгиланган, жазо муддатининг бошланиши 2021 йил 4 декабрь куни, жазо муддатининг тугаши 2025 йил 4 июнь куни деб ҳисобланган.

Маҳқум [REDACTED] хусусий апелляция шикоятда, барча энгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўтадмай, қолган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати, вилоят суди судьяси [REDACTED] маърузасини, прокурор А [REDACTED] суд ажримини ўзгаришсиз, хусусий апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, маҳқум [REDACTED] ва адвокат [REDACTED] хусусий апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи инстанция судининг ажримини ўзгаришсиз, келтирилган хусусий апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасида жазони энгилроғи билан алмаштириш ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳқумга нисбатан қўлланилиши мумкин деб кўрсатилган.

ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД 49-сон МК бошлиғи томонидан 2023 йил 21 февраль куни тасдиқданган тавсифномага кўра, [REDACTED] колонияда жазо муддатини ўташ мобайнида тузалиш йўлига ўтмаганлиги сабабли салбий тавсифланиши кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди [REDACTED] ўташ мобайнида олиб борилаётган тарбиявий профилактик суҳбатлардан ўзига тегишли хулоса чиқармаганини, салбий тавсифланганини, унинг хулқи унга нисбатан жазони энгилроғи билан алмаштириш каби инсонпарварлик тамойилини қўллашга мувофиқ эмас деган фикрга келиб, у томонидан келтирилган илтимосномани рад қилиб, тўғри ва қонуний хулосага келган.

Судлов ҳайъати юқорида қайд этилган асосларга кўра, биринчи инстанция судининг маҳқум [REDACTED] нисбатан чиқарган ажримини ўзгаришсиз, хусусий апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Бинобарин апелляция инстанцияси судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497²⁶, 497³¹, 497³⁴-моддаларини раҳбарликка олиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 6 мартдаги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ажрими ўзгаришсиз, келтирилган хусусий апелляция шикоятини қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

ИМЗО

Ҳайъат аъзолари:

ИМЗО

ИМЗО

Ажрим нусхаси аслига тўғри: _____